O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Ishtixon tumani
H O K I M I
QARORI

Р Е Ш Е Н И Е
Х О К И М А
Иштыханского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

104

140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704,г.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

2016 y.г «5» август № 2420-у Ishtixon sh.-г.Иштыхан

**"Хакикат" ҚФЙ Қият қишлогидан фуқаро Базаров Санжарга "Сунъий қопламали стадион" қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги. қарорни ижросини таъминлаш максадида Самарканд вилоят хокимлиги танлов комиссиясининг 2016 йил 20 июлдаги 03/3-400-сонли, 5-сонли баённомасига асосан, фуқаро Базаров Санжарнинг танлов голиби деб эътироф этилган баённомани, Давархитектқурилиш қўмитасининг Регламентига асосан "Сунъий қопламали стадион" объектини жойлаштириш бўйича "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖдан олинган 2016 йил 25 мартдаги 03-16/88-858-сонли ижобий хулосани, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 10 апрелдаги 16-сонли далолатномасини кўриб чиқиб

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарканд вилоят хокимлиги танлов комиссиясининг 2016 йил 20 июлдаги 03/3-400-сонли, 5-сонли баённомаси, Давархитектқурилиш қўмитасининг Регламентига асосан "Сунъий қопламали стадион" объектини жойлаштириш бўйича "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖдан олинган 2016 йил 25 мартдаги 01-16/88-858-сонли ижобий хулосаси хамда туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 10 апрелдаги 16-сонли далолатномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Хақиқат" ҚФЙ Қият қишлоғи худудида жойлашган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган туман хокимлиги захирасидаги ер майдонидан фуқаро Базаров Санжарга "Сунъий қопламали стадион" қуриш учун 1000,0 (бир минг) кв.метр ер майдони доимий фойдаланиш хуқуқи билан ажратилсин.

3. Фуқаро Базаров Санжарга ажратилган ер майдонида "Сунъий қопламали стадион" қуриш бўйича белгиланган тартибда вилдоят табиатни мухофаза қилиш қўмитасидан давлат экологик экспертиза хулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 6 (олти) ой муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, "Сунъий қопламали стадион"ни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ажратилаётган ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман хокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** [signature] **Ш.Негматов**